

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АКРАМОВ ДАВЛАТ ХИММАТКУЛОВИЧ

***LAGOSCHILUS* ТУРКУМ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАДҚИҚ
ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Акромов Давлат Химматкулович

Lagochilus туркум ўсимликларини кимёвий тадқиқ қилиш ва
уларнинг биологик фаоллиги..... 3

Акромов Давлат Химматкулович

Химическое исследование растений рода *Lagochilus* и их
биологическая активность..... 21

Akramov Davlat Khimmatkulovich

Chemical investigation of the genus *Lagochilus* and their biological
activity..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АКРАМОВ ДАВЛАТ ХИММАТКУЛОВИЧ

***LAGOSCHILUS* ТУРКУМ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАДҚИҚ
ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/K131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (uzicprs.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамадалиева Нилуфар Зокиржоновна
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Арипова Салимахон Фазиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Абдуллажанова Нодира Гуламжановна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент 100170, Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс : (+99871) 262-73-48, e-mail: plant-inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru.

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент 100170, Мирзо Улуғбек кўчаси 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

Э.Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолиси ишлатаётган дори воситаларининг салмоқли қисми шифобахш ўсимликлар хом ашёси асосида тайёрланиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам охирги йилларда шифобахш ўсимликларга бўлган қизиқиш янада ортмоқда. Чунки доривор ўсимликлар хом ашёси асосида тайёрланган дори воситалари биологик фаол бирикмалар, витамин ва минерал моддаларига бой бўлиб, инсон организмига самарали таъсир этади. Шифобахш ўсимликларнинг кўпчилиги заҳарсиз ёки кам заҳарли ва энг асосийси, инсон организмида асорат қолдирмайди. Шунингдек, улар таркибида мавжуд биологик фаол моддалар одам организмида узоқ вақт давомида даволовчи таъсирини йўқотмай таъсир ўтказиб туради. Санаб ўтилган сабабларга кўра, халқ табobatiда кенг қўлланиладиган, доривор моддаларга бой бўлган янги ўсимлик турларини излаб топиш, улардан доривор моддаларни ажратиб олиш, кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш биоорганик кимё соҳасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда доривор ўсимликларнинг 20000 дан ортиқ, Ўзбекистонда эса 1200 дан ортиқ турлари ўсади. Уларнинг ичида *Lagochilus* туркумига кирувчи ўсимликлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу туркумга мансуб ўсимликлар биологик фаол моддаларга бой бўлиб, халқ табobatiда қон тўхтатишда, гастрит, ошқозон яраси, диарея, спазмофилия, пневмония, ўпка туберкулёзи, геморрой, рақ ва бўқоқ касалликларни даволашда кенг фойдаланилади. Маҳаллий *Lagochilus* туркум ўсимлик турларининг кимёвий таркибини ва фармакологик хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида янги таъсирга эга доривор воситалар яратиш имкониятини яратади.

Охирги йилларда мамлакатимизда фармацевтика саноати ва аҳолини доривор ўсимлик хом ашёсига бўлган талабини қондириш ва ўсимлик хом ашёси асосида замонавий усулларни қўллаган ҳолда дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Хусусан, юқори биологик фаолликка эга ўсимликларнинг кенг тарқалган метаболитлари орасидан фаол бирикмалар аниқланиб, улар асосида тиббиёт ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз доривор ўсимликлар заҳирасига бой минтақа бўлиши баробарида бу борада амалга ошириладиган ишлар кўламини бугунги кун талабига мос равишда янада ривожлантириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 чи йўналишида¹ фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Республикаимизда ўсувчи *Lagochilus* туркум ўсимликларининг биологик фаол

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

бирикмаларини ажратиш, кимёвий таркибини аниқлаш ҳамда улар асосида доривор воситаларни ишлаб чиқиш соҳасидаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё манбаларидан янги самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида биологик фаол моддаларга бой бўлган ўсимлик турларини тадқиқ қилишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, *Lagochilus* туркумига мансуб бўлган 40 дан ортиқ ўсимлик турлари тадқиқ қилиниб, таркибидан флавоноидлар, фенилпропаноидлар, иридоид гликозидлари, дитерпенлар, фенолкарбон кислоталар, алкалоидлар, лигнанлар ва бошқа табиий бирикмалар ажратиб олинган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида импорт ўрнини босувчи табиий дори воситаларини яратиш, аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Хусусан республикамиз ҳудудида ўсувчи *Lagochilus* турларининг кимёвий таркибини текшириш, бу ўсимликлардан метаболитларни ажратиб олиш, кимёвий тузилиши ва биологик фаолликларини тадқиқ қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14-февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 10-апрелдаги ПФ-5707-сон “2019-2021-йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, ҳамда 2022 йил 21-январдаги ПФ-55 сон “2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Lagochilus* туркумига мансуб ўсимликлар турларининг иккиламчи метаболитларини кимёвий тузилишини тадқиқ қилиш, фармакологик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида янги самарали доривор воситаларни яратиш бўйича бир қатор хорижий етакчи олимлар, жумладан, R.M. Harley, F. Agostini, M.L. Zhang, M. Jamzad, G. Li, J.S. Qian, E. Sezik, S.W. Eisenman, Y. Jiao, S. Taban, M. Dumaa, M. Furukawa, H. Suzuki, M. Makino, S. Ogawa, A.S. Jeppesen, J. Soelberg, A.R. Gohari, F. Nabati, S. Saeidnia, F. Aboee-Mehrzi, S. Casiglia ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган. Улар томонидан *Lagochilus* туркумига мансуб 10 га яқин ўсимлик турларининг кимёвий таркиби таҳлил қилинган ва улардан 100 дан ортиқ метаболитлар ажратиб олинган.

Республикамизда мазкур йўналишда Ўзбекистон Миллий Университетида У.Н. Зайнутдинов, Х.А. Асланов, Р. Исламов, М.П. Нурматова, Ф.Д. Насруллаевлар, ЎзР ФА академик О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтида Д.Н. Далимов, О.Д. Матчановлар, ЎзР ФА

академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида М.Х. Маликова, Д.А. Рахимов, Н.Д. Абдуллаев, С.Д. Гусаковалар, Тошкент Фармацевтика институтида Т.П. Пулатова, З.И. Мавлянкулова ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган. Улар томонидан 10 га яқин *Lagochilus* турларидан янги ва маълум тузилишдаги бирламчи ва иккиламчи метаболитлар ажратилиб, уларнинг кимёвий тузилишлари илмий исботланган ва биологик фаолликлари ўрганилган. *Lagochilus* турлари асосан Ўзбекистон ҳудудида (дунё бўйича тарқалган жами 44 та туридан 18 та тури мамлакатимизда ўсади) кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу турлардан янги ва самарали биологик фаол моддаларни ажратиш олиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланганлиги, ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот режасининг ВА-ФА-Ф-6-009 «Ўзбекистон ўсимликларининг иккиламчи метаболитлари: кимёвий тузилиши, биологик фаолликлари ва биотехнологияларини яратиш» (2017-2020) ва ПЗ-20170927342 «*Phlomis* ва *Phlomis* туркум ўсимликлари иридоидлари асосида антитоксик таъсирга эга дори воситаларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Lagochilus* туркум ўсимликлари (*L. inebrians*, *L. gypsaceus*, *L. setulosus*, *L. acutilobus*, *L. vvedenskiy*, *L. olgae*, *L. proskorjakovii*) дан бирламчи ва иккиламчи метаболитларни ажратиш олиш, тузилишларини аниқлаш ва биологик фаолликларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Lagochilus туркумига мансуб ўсимлик турлари хом ашёларини турли органик эритувчилар ёрдамида экстракция қилиш ва фракцияларга ажратиш; олинган турли фракциялардан хроматографик усуллар ёрдамида соф ҳолдаги метаболитларни ажратиш олиш;

ажратиш олинган метаболитларни физик-кимёвий усуллар ёрдамида кимёвий тузилишларини аниқлаш, идентификация қилиш ва хоссаларини ўрганиш;

ажратилган компонентлар (экстракт, эфир мойлари ва индивидуал бирикмалар) ни *in vitro* шароитида гельминт, рақ хужайралари, замбуруғ ва микробларга қарши, шунингдек, антиоксидант ҳамда фермент ингибиторларчи фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Lagochilus* туркумига мансуб 7 та *L. inebrians*, *L. gypsaceus*, *L. setulosus*, *L. acutilobus*, *L. vvedenskiy*, *L. olgae*, *L. proskorjakovii* ўсимлик турлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети *Lagochilus* туркумининг етита туридан ажратиш олинган метаболитлар, уларнинг кимёвий тузилиши, кимёвий, физик-кимёвий хоссаларини ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида экстракция, хроматографик [(юпқа қатлам хроматографияси (ЮКХ), юқори самарали

юпқа қатлам хроматографияси (ЮСЮҚХ)] ва спектроскопик [ультрабинафша (УБ), инфрақизил (ИК), газ хроматография-масс-спектрометрия (ГХ-МС), юқори аниқликдаги масс-спектрометрия (HR-MS), 1 ва 2 ўлчамли ядро магнит резонанси (1D ва 2D ЯМР) спектроскопия] усулларидан фойдаланилган. Намуналарнинг антиоксидант, цитотоксик ва микробларга қарши, фермент ингибирловчи, рак ҳужайраларига қарши, ҳамда антигельминт фаолликлари *in vitro* шароитида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Lagochilus туркумига мансуб 7 та тур ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари тадқиқ қилинган. 3 та *Lagochilus* туридан жами 12 та метаболитлар ажратилган ва тузилишлари аниқланган;

L. gypsaceus ўсимлигидан иридоидлар синфига мансуб янги модда - 7-синнамоил ламалбид ажратиб олинган ва тузилиши исботланган;

L. setulosus ўсимлигидан дисахаридлар синфига мансуб янги модда - 1-метокси-3-*O*- β -глюкопиранозил- α -*L*-олиоза ажратиб олинган ва тузилиши исботланган;

L. inebrians, *L. gypsaceus*, *L. setulosus* ўсимликларининг эфир мойларини кимёвий таркиби аниқланган ва идентификация қилинган;

Lagochilus туркумига мансуб 7 та тур ўсимликлари таркибидаги биомаркер модда - лагохилиннинг миқдорини ЮСЮҚХ усули ёрдамида аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

L. gypsaceus ўсимлигидан ажратилган иридоид ва *L. setulosus* ўсимлигидан ажратилган дисахарид – янги табиий бирикмалар бўлиб, уларнинг кимёвий тузилиши исботланган;

илк маротаба ЮСЮҚХ ёрдамида *Lagochilus* туркумига мансуб 7 та тур ўсимликлари таркибидаги лагохилиннинг миқдорий таҳлил қилиш услуби ишлаб чиқилган;

текширилган 7 та турдаги *Lagochilus* ўсимликлари ичида Жиззах вилоятидан терилган *L. inebrians* тури биофаол модда – лагохилин манбаи сифатида фойдаланишга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий хроматографик, аналитик, физик-кимёвий ва биологик усулларидан фойдаланиб олинганлиги билан тасдиқланади. Натижаларнинг ҳаққонийлиги тадқиқот натижалари тақриз килинувчи юқори импакт факторли хорижий илмий журналларда чоп этилганлиги, халқаро анжуманларда муҳокамадан ўтганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки *L. inebrians*, *L. gypsaceus*, *L. setulosus* турларидан иридоидлар, стероидлар, флавоноидлар, эфир мойлари ва дитерпенларнинг ажратиб олинганлиги; янги иридоид ва дисахаридларнинг кимёвий хоссалари ҳамда тузилишларини асосланганлиги; аниқланган метаболитларнинг миқдорий таҳлил қилинганлиги ва биологик фаолликларини аниқланганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, *Lagochilus* туркумига мансуб 7 тур ўсимликларнинг кимёвий ўрганиш натижасида халқаро маълумотлар базасига 2 та янги ажратилган моддалар бўйича маълумотлар киритилган. Тадқиқот иши натижаларидан биоорганик

кимё, фитокимё ва фармацевтика соҳаларида иридоид, флавоноид, эфир мойлари, терпеноидлар ва қанд моддаларини ўрганишда, ўқув ва илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки: *Lagochilus* туркумига мансуб 7 та тур ўсимликларнинг таркибини кимёвий тадқиқ қилиш натижасида, иридоидлар, стероидлар, флавоноидлар, дитерпенлар сақловчи янги ўсимлик турлари кимёвий жиҳатдан тавсифланган; флавоноид 5-гидрокси-4',7-диметоксифлавононинг кучли фермент ингибирловчи фаолликка эга эканлиги аниқланган; маҳаллий *Lagochilus* ўсимлик турларининг биринчи марта антиоксидант хусусияти, гельминт, бактерия ва замбуруғларга қарши фаолликлари баҳоланган; Жиззах вилоятида ўсувчи *L. inebrians* тури лагохилинга энг бой манба эканлиги аниқланган. Олинган бу натижалар келгусида дори воситаларини яратишда асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Lagochilus* туркумига мансуб ўсимликларни кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

L. gypsaceus ва *L. setulosus* турларидан ажратиб олинган янги 7-Синнамоил ламалбид ва 1-Метокси-3-*O*- β -*D*-глюкопиранозил- α -*L*-олиоза бирикмаларининг кимёвий тузилишлари ва физик-кимёвий хусусиятлари аниқланиб, *SciFinder* ва *Reaxys* халқаро маълумотлар базасига киритилган (ID 38170239; ICRDE). Натижада янги бирикмаларга ўхшаш моддаларнинг тузилиши ва хусусиятларини тавсифлашда тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш имконини берган;

Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ФА-Ф-6-009 рақамли «Табий бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг цитотоксик, антибактериал, замбуруғга қарши ва антиоксидант фаоллигини ўрганиш» илмий лойиҳаси доирасида *Lagochilus* туркум ўсимликларидан ажратиб олинган бир қатор моддалар бактерия ва замбуруғларга қарши фаол бирикмаларни аниқлаш мақсадида грамм-мусбат бактериялар - *Staphylococcus aureus*, *Bacillus subtilis*, грамм-манфий бактериялар - *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa* ва шартли патоген замбуруғ - *Candida albicans* штамmlарига нисбатан текширилган (ЎЗР Фанлар академиясининг 2022 йилнинг 3-февралидаги № 4/1255-235-сон маълумотномаси). Натижада *Staphylococcus aureus* ва *Bacillus subtilis* га нисбатан антимиқроб фаолликка эга бўлган бирикмалар топиш имконини берган;

Lagochilus туркуми ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини тадқиқ қилиш натижаларидан хорижий олимлар томонидан 15 дан ортиқ импакт фактори юқори журналларда чоп этилган илмий ишларда ўсимликлардан ажратиб олинган бирламчи, иккиламчи метаболитларни кимёвий ва миқдорий жиҳатдан тавсифлашда, шунингдек, антиоксидант, миқроб, замбуруғларга қарши ва фермент ингибирловчи фаолликларини тавсифлашда фойдаланилган (*Molecules*, 2021, 26, 3712. <https://doi.org/10.3390/molecules26123712>, IF-4.41; *Plants*, 2020, 9, 691; doi:10.3390/plants9060691, IF-3.94, *Applied Sciences*, 2020, 10, 6808; doi:10.3390/app10196808, IF-2.68 ва ҳ). Натижалар *Lagochilus*

Ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган;

Дунё бўйича мавжуд илмий адабиётларда келтирилган *Lagochilus* туркум ўсимликларининг тарқалиши, этнофармакологияси, халқ табobatiда қўлланилиши, кимёвий таркиби ва биологик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар диссертант ва ҳаммуаллифлар томонидан умумлаштирилиб, адабиётлар шарҳи (обзор) тарзида халқаро *Plants* (2021, 10(1), 132; <https://doi.org/10.3390/plants10010132>, IF-3.94) ва *Holzforschung* (2019, 74(2), 96-115, <https://doi.org/10.1515/hf-2018-0296>, IF-2.39) журналларида чоп этилган. Натижалар хорижий ва маҳаллий олимлар, тадқиқотчилар ва магистрантларга *Lagochilus* туркум ўсимликлари бўйича ҳозиргача мавжуд адабиётларда келтирилган барча маълумотлардан тўлиқ ҳолда фойдаланиш имконини берган;

Lagochilus туркуми ўсимликлари метаболитлари ва уларнинг биологик фаолликлар бўйича олинган натижалар Австриянинг Табиий ресурслар ва ҳаёт фанлари университети (University of Natural Resources and Life Sciences, BOKU) ҳамда Мисрнинг Айн Шамс Университети (Ain Shams University, Cairo) да стероид, терпеноид, флавоноид, қанд моддалари сақловчи ўсимлик бирикмалари ва экстрактларини *in vitro* шароитида организмларга таъсирини баҳолашда фойдаланилган (BOKU Университетининг 2021 йил 8-декабрдаги ва Айн Шамс Университетининг 2021 йил 23-декабрдаги маълумотномаси). Натижада *Lagochilus* туркум ўсимликларидан гельминт, рақ ҳужайралари, микроб ва замбуруғларга қарши, антиоксидант ва фермент ингибирловчи фаолликларга эга янги компонентларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси халқаро ва 1 таси маҳаллий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш


асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «*Lagochilus* туркум ўсимликларининг табиатда тарқалиши, халқ табobati ва тиббиётда қўлланилиши, кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари» деб номланган биринчи бобида Lamiales (ялпиздошлар) оиласига мансуб, *Lagochilus* туркуми ўсимликларидан ажратиб олинган 150 дан ортиқ метаболитлар ва уларнинг ҳосилалари, эфир мойлари таркибидаги учувчан моддаларнинг тузилиши адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида тавсифлаб берилган. Шунингдек, 44 турдаги *Lagochilus* туркуми ўсимликларининг ботаник тавсифлари, табиатда тарқалиши, этнофармакологияси, халқ табobatiда қўлланилиши ва биологик фаолликларига оид адабиёт маълумотлари батафсил ёритилган, улар умумлаштирилиб илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган.


Диссертациянинг «Олинган натижалар муҳокамаси» деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлимида ўрганилган ўсимликлар тўғрисида қисқача маълумот, иккинчи бўлимда амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари, шунингдек, *Lagochilus* туркумига мансуб 3 тур ўсимликларидан ажратиб олинган метаболитлар рўйхати, уларни ажратиб олиш, янги моддаларнинг кимёвий тузилишини ва хоссаларини аниқлаш усуллари, фармакологик хусусиятлари тўлиқ баён этилган.

Ўсимликлар таркибидаги метаболитларни ажратиб олиш мақсадида майдаланган ўсимлик хом ашёси метанол билан хона ҳароратида 5 марта экстракция қилинди ва роторли буғлатгич ёрдамида қуюлтирилди. Ўсимлик ер устки қисмининг қуюлтирилган экстракти 1:1 нисбатда дистилланган сув билан суюлтирилгандан сўнг ажратгич воронкасида хлорофиллдан тозалаш мақсадида хлороформ билан бир неча марта қайта экстракция қилинди. Шу усулда тозаланган спирт-сувли экстракт *n*-бутанол ёрдамида фракцияга ажратилди. Қутбилиги юқори бўлган моддалар ўтган *n*-бутанолли фракция қуритилиб, силикагель адсорбентида колонкали хроматография (КХ) қилинди ва индивидуал ҳолдаги моддалар ажратиб олинди.

Lagochilus туркумининг етти тур ўсимликларининг ер устки қисмини тадқиқ қилиш натижасида, улардан 12 та индивидуал ҳолдаги моддалар ажратиб олинди, улардан 2 тасининг тузилиши адабиётларда маълум бўлмаган янги моддалар эканлиги аниқланди (1-расм).



7-Синнамоил ламалбид (158)



1-Метокси-3-*O*- β -*D*-
глюкопиранозил- α -*L*-олиоза
(161)


1-расм. *L. gypsaceus* (158) ва *L. setulosus* (161) ўсимликларидан ажратиб олинган янги моддалар

Lagochilus gypsaceus ўсимлигидан ажратиб олинган моддалар

L. gypsaceus ўсимлигини кимёвий тадқиқ қилиш натижасида сув-спиртли экстрактивнинг *n*-бутанолли фракциясидан янги иридоид 7-синнамоил ламалбид (**158**) билан биргаликда тузилишлари аввалдан маълум бўлган лагохилин (**1**), 5-гидрокси-4',7-диметоксифлавоон (**47**), 8-*O*-ацетилгарпагид (**106**), β -ситостерол (**123**), ситостерол-3-*O*- β -*D*-глюкозид (**160**) (даукостерол) лар ажратиб олинди.

7-Синнамоил ламалбид (**158**) нинг кимёвий тузилиши

Мазкур иридоид *Lagochilus gypsaceus* ўсимлиги ер устки қисмининг сув-спиртли экстрактивнинг *n*-бутанолли фракциясидан ажратиб олинган. Ушбу модданинг брутто формуласи $C_{26}H_{32}O_{14}$ эканлигини HR-MS масс-спектридаги m/z 569.18488 (назарий ҳисобланганда 569.18648) ли $[M+H]^+$ ионига тегишли бўлган молекуляр ион тасдиқлайди (2-расм).




2-расм. 7- Синнамоил ламалбиднинг (**158**) HR-ESI-MS спектри

1H ЯМР спектр пара-алмашинган бензол ҳалқасига тегишли δH 7.48 ва 6.81 м.у. даги резонанслар ва қўшбоғни спин-спин таъсир константаси $J=16.0$ Hz га тенг бўлган 7.70 ва 6.44 м.у. да дублет сигналларининг кузатилиши *E*-конфигурация учун характерли бўлиб, молекулада синнамоил гуруҳи борлигини кўрсатди. δH 4.63 даги дублет H, HCOСY спектрдаги ўзаро таъсирлашув (корреляция) ва HSQC спектрдаги ^{13}C учун тегишли кимёвий силжишига кўра, глюкоза қолдиғининг аномер протонига тегишли эканлиги аниқланди. Шунингдек, 1H ва ^{13}C ЯМР, HSQC спектрларига кўра битта метоксил гуруҳига (δH 3.74, δC 51.92 да), битта алифатик синглет метил гуруҳига (δH 1.30, δC 22.40 да), кучли делокаллашган (δH 7.45 / δC 153.02 да) қўшбоғ протонига, аномер протонига (δH 5.65 / δC 94.7 да) тегишли ва шунингдек, иккита оксиметин протонларининг триплет (δH 4.18 да) ҳамда дублет (δH 4.89 да) кўринишидаги пикларига ва 2 та алифатик метин протонлари (δH 3.06, δC 2.90) га тегишли сигналлар мавжудлиги аниқланди. COSY спектрида аномер H-1 протонни H-9 протон билан қолаверса H-5, H-6 ва H-7 протонлар билан таъсирлашиши кузатилди. HMBC спектрда метил гуруҳ протонларини C-9, C-7 ва тўртламчи C-8 углерод атоми билан таъсирлашуви молекулада ламалбид скелети мавжудлигини тасдиқлади. NOESY спектридаги H-7 ни δC 168.76 даги карбонил гуруҳига тегишли углерод атоми билан таъсирлашуви эса синнамоил гуруҳини C-7 да жойлашганини кўрсатди. Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, ушбу

модданинг тузилиши 1-расмда келтирилгандек янги модда - 7-Синнамоил ламалбид (**158**) эканлиги аниқланди ва тузилиши тасдиқланди.

Шуниси қизиқки, **158**-модданинг CD₃OD эритувчисида олинган ЯМР спектрлари таҳлил қилинганда 10% миқдорда **159**-модданинг сигналлари кузатишган, яъни спектр олингандан кейин 5 соатга қолдирилганда **158**-моддани **159**-моддага нисбати 1:1 ни ташкил қилган. 48 соатдан сўнг эса стабил ҳолатда **158**-моддани **159**-моддага нисбати 1:2 ни ташкил қилган. **159**-моддада Н-6 кучсиз δН 5.13 майдонга ва Н-7 эса кучли майдонга δН 3.79 га силжиганлиги кузатилди (1-жадвал). Бундан ташқари НМВС спектри трансэстерификация туфайли **159**-моддада синнамоил гуруҳининг С-6 га бирикканини кўрсатди (3-расм). Демак, **159**-модда **158**-модданинг трансэстерификацияси туфайли ҳосил бўлган ҳосиласидир.



7-Синнамоил ламалбид (**158**)

6-Синнамоил ламалбид (**159**)

3-расм. 158-моддани трансэстерификация жараёнида **159**-моддага айланиши

1-жадвал.

158- ва **159**- моддаларини CD₃OD да олинган ¹H (400 МГц) ва ¹³C (100 МГц) ЯМР (δ, м.у., J, Гц) спектр маълумотлари


С атоми	158		159	
	δ _H	δ _C	δ _H	δ _C
1	5.65 (д, 1H, J = 2.0)	94.72	5.61 (д, 1H, J = 2.7)	94.83
3	7.45 (д, 1H, J = 1.1)	153.02	7.44 (д, 1H, J = 1.1)	152.97
4	-	111.67	-	111.24
5	3.06 (ддд, J = 10.9, 3.7, 1.1)	38.00	3.22 (ддд, 1H, J = 10.7, 4.9, 1.1)	35.15
6	4.18 (т, 1H, J = 4.1)	76.84	5.13 (т, 1H, J = 4.9)	79.00
7	4.89 (д, 1H, J = 4.5)	80.40	3.79 (д, 1H, J = 5.0)	78.41
8	-	78.38	-	78.49
9	2.90 (дд, 1H, J = 10.9, 2.0)	49.69	2.80 (дд, 1H, J = 10.7, 2.7)	48.37
10	-	169.37	-	168.83
8-Me	1.30 (с, 3H)	22.40	1.27 (с, 3H)	22.24
OMe	3.74 (с, 3H)	51.92	3.63 (с, 3H)	51.84
1'	-	127.34	-	127.37
2', 6'	7.48 (д, 2H, J = 8.7)	131.19	7.48 (д, 2H, J = 8.7)	131.15
3', 5'	6.81 (д, 2H, J = 8.7)	116.85	6.82 (д, 2H, J = 8.7)	116.85
4'	-	161.29	-	161.26
7'	7.70 (д, 1H, J = 16.0)	146.86	7.70 (д, 1H, J = 16.0)	146.64
8'	6.44 (д, 1H, J = 16.0)	115.27	6.44 (д, 1H, J = 16.0)	115.55
9'	-	168.76	-	168.66
Қанд	Глюкоза	Глюкоза	Глюкоза	Глюкоза
1''	4.63 (д, 1H, J = 7.9)	99.96	4.66 (д, 1H, J = 7.9)	99.83
2''	3.18 (дд, 1H, J = 9.1, 7.9)	74.66	3.19 (дд, 1H, J = 9.2, 7.9)	74.70
3''	3.37 (м)	78.01	3.37 (м)	78.01
4''	3.26 (дд, 1H, J = 9.5, 8.7)	71.65	3.26 (дд, 1H, J = 9.5, 8.7)	71.66
5''	3.32 (м)	78.35	3.32 (м)	78.35
6''	3.90 (дд, 1H, J = 11.9, 2.1)	62.84	3.90 (дд, 1H, J = 12.0, 2.1)	62.88
	3.66 (дд, 1H, J = 11.9, 5.9)		3.66 (дд, 1H, J = 12.0, 6.0)	

Lagochilus setulosus ўсимлигидан ажратиб олинган моддалар

L. setulosus ўсимлигининг метанолли экстрактини кимёвий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида янги дисахарид - 1-метокси-3-*O*-β-*D*-глюкопиранозил-α-*L*-олиоза (**161**) билан биргаликда тузилишлари илгари маълум ситостерол-3-*O*-β-*D*-глюкозид (даукостерол) (**160**), стигмастерол-3-*O*-β-*D*-глюкозид (**162**), пинитол (**163**), 6-β-гидрокси-7-эпи-лагонин (**164**) ва хлоротуберозидлар (**165**) ажратиб олинди ва уларнинг кимёвий тузилишлари HR-MS, 1D ва 2D ЯМР маълумотларга кўра аниқланди ва исботланди.

1-Метокси-3-*O*-β-*D*-глюкопиранозил-α-*L*-олиозанинг (161**) кимёвий тузилиши.** 1-Метокси-3-*O*-β-*D*-глюкопиранозил-α-*L*-олиоза янги дисахарид бўлиб, *L. setulosus* ўсимлиги ер устки қисмининг *n*-бутанолли фракциясидан ажратилди. Ажратиб олинган **161**-модда оқ кукун ҳолда бўлиб, метанолда яхши эрийди. Унинг HR-ESI-MS спектрида $[M-H]^-$ га мос келувчи $C_{13}H_{23}O_9^-$ га хос m/z қиймати 342.1784 га тенг бўлган аммонийланган молекуляр ион чўққисининг мавжудлиги модданинг брутто формуласи $C_{13}H_{24}O_9$ эканлигини тасдиқлайди (5-расм).

Ушбу модданинг 1H ва HSQC спектрлари иккита қанд молекуласининг аномер протонларига хос ($\delta H/\delta C$ 4.77/100.1 м.у.; $\delta H/\delta C$ 4.38/102.8 м.у.) бўлган, CH_3 ($\delta H/\delta C$ 1.23/17.1 м.у.) ва метокси ($\delta H/\delta C$ 3.30/55.0 м.у.) гуруҳларига тегишли сигналлар мавжудлигини кўрсатди. COSY таъсирлашувлар ва вицинал 1H - 1H таъсирлашув константалари молекулада битта β-*D*-глюкоза қолдиғи борлигидан дарак берди. Иккинчи қанд қолдиғи учун иккита спин системалари (H-1/H-2A/B-H3-H4 ва H-5/ CH_3 -6) аниқланди.



5-расм. 1-Метокси-3-*O*-β-*D*-глюкопиранозил-α-*L*-олиоза (**161**) нинг HR-ESI-MS спектри

Метил гуруҳ протонларини C-5 (67.2 м.у.) ва C-4 (71.4 м.у.), шунингдек C-1 (100.1 м.у.) метоксил гуруҳ протонлари билан HMBC таъсирлашуви молекулада 1-метокси-2,6-дидезокси қанд қолдиғи мавжудлигини кўрсатди. Вицинал δH 4.38 (1H, д, $J=7.7$ Гц, H-10) ва δH 4.09 (1H, ддд, $J=11.4, 7.7, 2.9$ Гц) 1H , 1H таъсирлашув константалари ва H-3/H-4 ва H-3/H-5 орасидаги ROESY таъсирлашувлар OR-3, OR-4 ва CH_3 -6 ни молекулани бир текислик томонида

ОМе-7 ни эса текисликнинг бошқа томонида жойлашганини кўрсатди. 2,6-Дидезокси қанд моддалар ва уларнинг метил эфирлари гликозидлар ҳолида табиатда учрайди ва кўп ҳолларда улар 1→3 ёки 1→4 ҳолатда бирикади. Н-3/С-10 ни ва қолаверса Н-10/С-3 НМВС таъсирлашувлар модданинг тузилиши янги - 1-метокси-3-*O*-β-*D*-глюкопиранозил-α-*L*-олиоза (ёки 1-метокси-3-*O*-β-глюкопиранозил-2,6-дидезокси-α-луксо-гексопираноза) эканлигини узил кесил тасдиқлайди (2-жадвал).

2-жадвал.

1-Метокси-3-*O*-β-*D*-глюкопиранозил-α-*L*-олиоза (**161**) нинг ¹H (600 МГц) ва ¹³C (150 МГц) ЯМР (CD₃OD, δ, м.у., *J*, Гц) спектр маълумотлари

С		δ _с	δ _н	С		δ _с	δ _н
Олиоза				Глюкоза			
1	СН	100.1	4.77, дд, <i>J</i> =3.6, 1.6	1'	СН	102.8	4.38, д, <i>J</i> =7.7
2	СН ₂	30.4	1.94 м, 1.87 м	2'	СН	75.0	3.19, дд, <i>J</i> =8.9, 7.7
3	СН	75.1	4.09, ддд, <i>J</i> =11.5, 5.7, 2.9	3'	СН	77.8	3.35, м
4	СН	71.4	3.77, уш. д, <i>J</i> =3.1	4'	СН	71.4	3.29, м
5	СН	67.2	3.84, м	5'	СН	77.8	3.28, м
6	СН ₃	17.1	1.23, д, <i>J</i> =6.6	6'	СН ₂	62.5	3.84 м, 3.68, дд, <i>J</i> =11.9, 4.8
7	ОСН ₃	55.0	3.30, с				

Lagochilus inebrians ўсимлигидан ажратиб олинган моддалар

Жиззах вилоятининг Нурота тоғ тизмаларидан терилган *L. inebrians* ўсимлигининг ер устки қисмининг сув-спиртли экстрактининг *n*-бутанолли фракциясининг таркибини кимёвий жихатдан ўрганиш натижасида тузилиши илгари маълум бўлган 6 та модда (лагохилин (**1**), β-ситостерол (**123**), 5-гидрокси-4',7-диметоксифлавоно (**47**), 8-*O*-ацетилгарпагид (**106**), ситостерол-3-*O*-β-*D*-глюкозид (**160**) ва стигмастерол (**162**)) индивидуал ҳолда ажратиб олинди ва уларнинг кимёвий тузилишлари HR-MS, 1D ва 2D ЯМР маълумотлар асосида аниқланди. Қуйидаги моддалар: β-ситостерол, 5-гидрокси-4',7-диметоксифлавоно, ситостерол-3-*O*-β-глюкозид ва стигмастерол бу ўсимликдан биринчи мартаба ажратиб олинди.

Диссертация ишининг «Тадқиқот объекти ва усуллари» деб номланган учинчи бобида хроматографик усуллар, ажратиб олинган моддаларнинг микдорий таҳлили, ажратиб олинган эфир мойларининг кимёвий таркиби ҳамда ўрганилган ўсимликлардан ажратиб олинган экстрактлар ҳамда индивидуал моддаларининг бактерия ва замбуруғларга қарши, антиоксидант, фермент ингибиторлари, гельминтларга қарши, цитотоксик фаолликлари келтирилган.

Лагохилиннинг микдорини ЮСЮҚХ (HPTLC) усули ёрдамида аниқлаш

ЮСЮҚХ ёрдамида метанолли экстрактлар таркибидаги лагохилин микдорини аниқлаш учун стандарт эритма сифатида тоза лагохилиннинг 1 мг/мл концентрациядаги ишчи эритмаси тайёрлаб олинди. *Lagochilus*

Ўсимлигининг 7 та туридан олинган метанолли экстрактларининг $\text{CHCl}_3:\text{CH}_3\text{OH}:\text{H}_2\text{O}$ (4:4:1, х/х/х) даги 20 мг/мл концентрацияли эритмалари тайёрланди. Метанолли экстрактларнинг эритмалари ЮСЮҚХ пластинкаларга автоматик равишда (Automatic TLC sampler 4) томизилди ва камерада доғлар ҳолида кўтарилгунча кутилди. Сўнгра пластинка камерадан олиниб, УБ нурли лампа остида текширилди. Лагохилинни денситометрик аниқлаш 330 нм да TLC сканнерда (Camag, Muttenz, Switzerland) ЮСЮҚХ пластинкалар очилтирилганидан кейин амалга оширилди. VisionCATS 2.4 дастуридан (Camag, Switzerland) инструмент назорати ва маълумотларни баҳолашда фойдаланилди. Таклиф этилган усул *Lagochilus* турлари экстрактларидаги биофаол лагохилиннинг миқдорини аниқлашда энг мақбул усул эканлигини кўрсатди. ЮСЮҚХ усули ўсимлик турларининг таркибида лагохилиннинг миқдори турлича эканлигини кўрсатди. Турлараро фарқ лагохилиннинг миқдори *L. acutilobus*, *L. gypsaceus*, *L. setulosus* ва Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидан терилган *L. inebrians* ўсимлиги таркибида кўпроқ, *L. olgae* ва *L. vvedenskyi* туридан камроқ бўлиши, *L. proskorjakovii* ўсимлигининг таркибида эса лагохилин йўқ эканлиги кузатилди. Тадқиқ қилинган *Lagochilus* турлари орасида лагохилиннинг миқдори Жиззах вилоятидан терилган *L. inebrians* ўсимлиги таркибида энг кўп эканлиги аниқланди.

***L. inebrians*, *L. gypsaceus* ва *L. setulosus* ўсимликлари эфир мойларининг кимёвий таркиби**

Lagochilus туркуми ўсимликлари ўзига хос хушбўй ҳидга эга бўлиб, Ўзбекистон флорасида ўсувчи бу туркумга мансуб ўсимликлар эфир мойларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари ҳали ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот ишида *L. inebrians*, *L. gypsaceus* ва *L. setulosus* ўсимликларининг ер устки қисмидан олинган эфир мойларининг кимёвий таркибини ГХ-МС (GC-MS) усули ёрдамида биринчи маротаба ўрганилди. Эфир мойларининг миқдорий ва сифат таҳлили натижасида *L. gypsaceus* ўсимлиги эфир мойи таркибида 68 та компонент идентификация қилинди. Аниқланган моддалар умумий эфир мойининг 93.6% ини ташкил этади. Эфир мойининг асосий таркибий қисмини линалоол (11.97%), β -ионон (11.75%), α -терпинеол (7.40%), *транс*-хризантенилацетат (7.15%), склареолоксид (6.96%) ва эвгенол (6.10%) моддалари ташкил этади.

L. inebrians ўсимлиги эфир мойи таркибида 65 та компонент идентификация қилинди ва бу умумий эфир мойининг 84.89% ни ташкил этади. Эфир мойининг асосий таркибий қисмини қуйидаги моддалар ташкил этади: *транс*-хризантенилацетат (9.40%), эвгенол (6.10%), *транс*-вербинол (3.85%), бицикло-[3.1.1]-гептен-3-он-2 (3.76%), пинокарвон (3.43%), *транс*-карвеол.

